O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

INSON MANFAATLARI — OLIY QADRIYAT
O'ZBEKISTON «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
KUCH-ADOLATDADIR

# ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2007 йил 26 январь, жума № 4 (602)

Қарор ва ижро

## Тараққиётга элтувчи йўллар

*Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишни таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасининг янгиланиши юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.*




Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси — "Ўзавтойўл" томонидан бунёд этилаётган кенг ва равон йўллар, йўл ўтказгичлар, маҳобатли кўприклар ҳамда транспорт боғламаларининг сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Қамчиқ довонида барпо этилган ер ости йўлаги бугунги кунда ўзининг мислсиз самарасини бераётир. Ана шу мўъжизавий иншоот миллионлаб кишиларнинг пойтахтимизга келиб-кетиш билан боғлиқ сарф-харажатларини камайтириб, ортиқча масофа ва йўл азобига чек қўйди. Юртдошларимиз илгари қўшни давлат ҳудуди орқали ўтиб-қайтган бўлса, эндиликда диёримиз йўлларидан эмин-эркин қатнамоқдалар. Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприкнинг бунёд этилиши ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун жуда кенг қулайликлар яратди, йўловчи ва юк ташиш муддатини, харажатини кескин қисқартириш имконини берди.

Юртимиз шаҳар ва қишлоқларида турли минтақа ва даҳаларни бир-бири билан боғлайдиган, юртимиз чиройига чирой қўшадиган йўллар, кўча ва кўприкларнинг бунёд этилиши изчил давом этмоқда. Ҳатто, атрофимиздаги бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишлари азалдан давом этиб келаётгандек, бу ҳолдан ажабланмай ҳам қўйдик. Ҳолбуки, ўша кўча, майдон, чорраҳа — жой истиқлолимизгача қандай аҳволда бўлганлигини бир эслаб кўрайлик. Биз бугун фойдаланаётган кенг ва равон йўлларни қуриш, сақлаш озмунча меҳнат-машаққат талаб этадими. Таассуфки, ҳамиша ҳам бунинг қадрига етавермаймиз.

— Ҳеч бир мамлакат тараққиётини кенг ва равон йўлларсиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси автомобиль йўллари техник ҳолатини баҳолаш бошқармаси бошлиғи Воҳид Аъзамов ЎзА мухбирига. — Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонимиз тараққиётнинг олдинги сафларида бораётган мамлакатлар сирасига киради — улкан йўл тармоғига эга. Умумий ҳисобда узунлиги 183724 километрлик йўлларнинг 42530 километрини умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари, 17819 километрини эса шаҳар кўчалари, 58651 километрини хўжаликлараро ва ички хўжалик йўллари ҳамда 64723 километрини бошқа йўллар ташкил этади.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан умумий фойдаланиладиган замонавий автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, қуриш ҳамда тармоқни янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Маълумки, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ўзининг аҳамияти жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Юртимиз ҳудудидаги 3626 километр халқаро, салкам 17 минг километр давлат ҳамда қарийб 22 минг километр маҳаллий ва вилоят аҳамиятига эга йўлларнинг техник созлиги компаниямизга қарашли ташкилотларнинг доимий диққат-эътиборида.

2006 йили мамлакатимиз йўл хўжалигида ислоҳотларнинг янги даври бошланди. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2006 йили қабул қилинган «Йўл қуриш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни янада кучайтириш ва автомобиль йўллари қурилишининг 2006 йил дастурини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида», «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Давоми 2 - бетда

## Сингапурдаги самарали музокаралар

СИНГАПУР, 25 январь. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Сингапур Президентининг "Истана" саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натан фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Сингапур Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди. Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзларини қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ва халқаро майдонда кечаётган жараёнларга икки томоннинг муносабати ва ёндашувлари яқин эканлиги қайд этилди. Ўзбекистон Сингапур билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги, айни пайтда Сингапурнинг Ўзбекистон билан алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Бу йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган бўлса-да, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг, умуман, давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳали тўла шакллантирилмаган. Шунга қарамай, ўзаро савдо ҳажми 2006 йилда 100 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу икки томонда ҳам ҳамкорлик учун қизиқиш катта эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Сингапур кўпгина халқаро муаммоларга, Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бир хил назар билан қараши таъкидланди. Бундай ҳамфикрлилик ҳамкорлик учун яхши замин бўлиши шубҳасиз.

Музокара Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун раҳбарлигидаги икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги учрашувида давом эттирилди.

Мулоқот чоғида саноатга, жумладан, нефть-кимё, фармацевтика ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига замонавий технологияларни жалб қилиш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни учинчи давлатларга экспорт қилиш билан боғлиқ соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам фойда келтириши қайд қилинди.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши ўртасида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ислом Каримов Сингапурнинг устоз-маслаҳатчи вазири Ли Куан Ю билан ҳам учрашди. Сингапурнинг ҳозирги тараққиёт даражасига эришишида мана шу етук сиёсатчининг хизматлари катта. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Сингапур муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз раҳбарининг Сингапурга давлат ташрифини Сингапур оммавий ахборот воситалари кенг ва батафсил ёритмоқда. Мамлакатнинг энг нуфузли газеталари, теле ва радио каналлари ташриф арафасида Ўзбекистон билан Сингапур муносабатлари ва Президент Ислом Каримов ҳақида кўплаб материаллар эълон қилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ:

Олий Мажлисда

## Бирламчи вазифа ва масъулият

*Ижтимоий ҳимоя, энг аввало, олий мавжудот — инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, у жамият аъзоларини эзгу мақсад атрофида жипслаштиради. Қолаверса, ижтимоий ҳимоя инсонпарварлик белгиси ўлароқ, халқимизнинг миллий қадриятлари сирасига киради. Минг йиллик тарихимизда бу тушунча ижтимоий адолат мезони сифатида қараб келинган. Шундай экан, қонунлари устувор юртда, инсонпарвар жамиятда бой ҳам, камбағал ҳам, қари-ю ёш ҳам тенг ҳуқуқли. Инсонпарварлик, ижтимоий ҳимоя тушунчаларининг асл мазмун-моҳияти ҳам ана шу. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида аҳолини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич ҳаётимизга жорий қилинаяпти.*





Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга олсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор. Дарҳақиқат, давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати худди мана шундай қараш ва ёндошувга асосланади. Дунёда ягона давлат — Ўзбекистонда асосий молиявий ҳужжатнинг махсус "Ижтимоий ҳимоя" банди мавжуд.

2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" дея эълон қилиниши мамлакатимиз фуқаролари, турли корхона ва ташкилотлар билан бирга "Адолат"нинг 50 мингдан ортиқ электорати, хотин-қизлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбар ва ходимларининг ҳам жамият олдидаги масъулиятини янада оширади, дейишга тўла асос бор.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори муҳокамасига бағишланган йиғилишда ана шундай эътирофу эътиборга молик фикрлар билдирилди.

Давоми 2 - бетда

## ЎЗБЕКИСТОН-СИНГАПУР БИЗНЕС-ФОРУМИ

СИНГАПУР, 25 январь. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сингапур Республикасига давлат ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. У Сингапур Бизнес федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Р.Азимов мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари, меҳнат ресурслари катта. Лекин мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг моҳияти шундаки, Ўзбекистон қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидан бормоқда. Масалан, пахта хомашёси билан ундан қайта ишланган маҳсулот ўртасида жуда катта фарқ бор. Табиий газ хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Унинг таркибидаги этанол моддаси полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Ўзбекистон ва Сингапур ишбилармонлари мазкур соҳаларда ҳамкорликни кучайтириши яхши самаралар бериши шубҳасиз.

Алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари жуда кўп ва хилма-хил. Нефть-газ, нефть кимёси, тўқимачилик, телекоммуникация, металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати — булар бизнес-форумда тилга олинган соҳаларнинг айримлари, холос.

Анжуманда Сингапурнинг катта давлат ташқи ишлар вазири Зайнал Обидин Рашид, Сингапур бизнес федерацияси халқаро алоқалар қўмитаси раиси Марк Хонг Президент Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга ишбилармон доираларнинг бевосита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очишини алоҳида таъкидлади.

— Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Ўзбекистон Марказий Осиёнинг жадал ривожланаётган мамлакатидир, — деди Зайнал Обидин Рашид. — Улкан салоҳиятга эга бу давлат сўнгги йилларда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириб, хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштирмоқда. Гарчи, биз Ўзбекистонни яқиндан ўрганишга энди киришган бўлсак-да, сингапурликлар у ерда қатор қўшма корхоналар очишга улгурганини таъкидламоқчиман. Масалан, «Сингапур айскрим» компанияси Самарқандда музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Мазкур қадимий шаҳардаги қўшма корхона бу турдаги маҳсулотлар бозорида етакчилардан. Сингапур углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш, меҳмонхона бизнеси, сайёҳлик, тўқимачилик, инфратузилмани такомиллаштириш каби кўплаб соҳаларда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Президент Ислом Каримовнинг ташрифи халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларимизнинг салоҳияти билан яқиндан танишиш ва мавжуд салоҳиятни ишга солиш йўлларига оид масалаларни муҳокама қилиш учун жуда қулай имконият яратди.

Форум якунида Ўзбекистон ва Сингапурнинг қатор вазирлик ва компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорликка доир ҳужжатлар имзоланди.

## Демократик тараққиёт кафолати

*Ривожланган мамлакатларнинг тарихий тараққиёт йўлига назар ташласак, ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг эркин демократик фаолият юритиши ва ҳуқуқий кафолатга эга бўлиши учун асрларга тенг йиллар керак бўлган. Биргина Буюк Британияда ҳозирги парламент демократиясини яратиш учун юз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, Ҳиндистонда бу жараён кўплаб йўқотишлар эвазига ярим асрдан кўпроқ муддатни ташкил этган.*

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга катта эътибор қаратилди. Бу жараён босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунга қадар ана шу йўналишда "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари бош мақсадимиз — фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди. Бу эса тараққиётнинг ўзбек моделини яратиш борасида ҳукуматимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган стратегик сиёсатидан далолатдир. Мазкур қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига тақдим этилганидан буён орадан уч ойдан ортиқ вақт ўтди. Айни пайтда бу лойиҳалар нафақат республикамизда, балки хорижий мамлакатлар мутахассислари томонидан ҳам қизғин муҳокама этилмоқда. Улар юзасидан қатор мамлакатларда йиғилишлар уюштирилди. Хусусан, Бельгия пойтахтида ўтказилган шундай йиғилишлардан бирида Брюссель халқаро муносабатлар мактаби профессори Альбена Азмpraising Азмованинг билдирган фикри эътиборга молик: "Мазкур қонун лойиҳасининг Президент томонидан парламентга киритилгани Ўзбекистонни янада демократлаштириш ва модернизациялаш борасида жиддий қадам бўлди. Унинг энг муҳим жиҳати шундаки, мамлакатда сиёсий партияларнинг ролини ошириш жараёнига институционал аҳамият қаратилмоқда, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга жалб этилиш даражаси ва масъулияти юксалиб бормоқда. Буларнинг барчаси мамлакатдаги барқарорлик ва изчил демократик тараққиётнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади".

Давоми 2 - бетда

Ислоҳот

## Ҳамкорликдаги ташаббус, тажриба

**партия электорати манфаатларига ва аҳоли эҳтиёжларига хизмат қилмоқда**

*2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши катта мазмун ва моҳиятга эга. Негаки, инсон манфаатлари устуворлигини тўла-тўкис қарор топтиришга эришиш фақат адолатли жамиятгагина хос бўлган хусусият. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб замирида инсон манфаатлари мужассам.*

«Адолат» социал-демократик партияси фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида жойларда ижтимоий адолат тамойилларига изчил риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишни долзарб, деб ҳисоблаб келган. Жумладан, ўз партиявий дастурида белгиланган вазифа — янги иш ўринларини яратиш орқали фуқароларнинг иш билан барқарор таъминланишига эришиш, ишсизликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида муайян ишларни амалга оширяпти.

Гап шундаки, Деҳқонобод туман аҳолисининг асосий қисми чорвачилик билан шуғулланади. Кейинги йилларда об-ҳавонинг қурғоқчил келиши туманда чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқарилишига салбий таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, иш билан таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратишда бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Туман «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури»га мувофиқ мазкур муаммони бартараф этишга барча мутасадди ташкилотлар жалб қилинди. Биргина 2006 йилда 1565 нафар киши меҳнат бўлимига мурожаат қилган бўлса, шундан 1148 нафари ишга жойлаштирилди, 417 кишига ишсизлик мақоми берилди. Шунингдек, 34 нафар хотин-қиз миллий ҳунармандчилик сирларини эгаллаши учун қайта касб тайёргарлигидан ўтиб, ишга жойлашди. Ҳозирги вақтда эса 27 та ишлаб чиқариш фирмасида 285 нафар хотин-қиз уй шароитида миллий ҳунармандчилик, каштачилик, зардўзлик, тўн тикиш сингари ишлар билан машғул. Келгусида қўшимча 2381 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилиб, унинг 1466 таси хотин-қизлар учун мўлжалланмоқда.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманда аҳолини иш билан таъминлашда бошқа туманлардагидек имкониятлар мавжуд эмас, — дейди "Адолат" СДП туман Кенгаши котиби Жовли Сатторов. — Шунинг учун туман ҳокимлиги, меҳнат бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Бу эса аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини оз бўлса-да, ижобий ҳал этишда аҳамият касб этди.

Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Санжар Мусаев Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида туманда ишчи гуруҳи тузилгани, у аниқ режа асосида иш олиб бораётгани ҳақида гапириб берди. Дарҳақиқат, ўтган йили ҳомийлар томонидан тумандаги кам таъминланган, хонадонида қора моли бўлмаган 67 та оиланинг ҳар бирига бир бошдан сигир берилди. 50 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, 100 нафар оилага чорва моллари сотиб олиш учун имкон яратилди. Ишчи гуруҳи томонидан чорвачилик билан шуғулланган ҳолда муқобил иш билан таъминланмаган 1465 нафар фуқарога меҳнат дафтарчалари очилиб, уларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси таъминланди. Бу борада ҳам «Адолат» СДП туман Кенгаши ва бошқа мутасадди ташкилотлар ташаббускор бўлишди.

Давоми 2 - бетда

